

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистоним!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Зиё Чашмаси



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 6 (214)

2013 YIL, IYUN

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Универсиада – 2013

Унутилмас лаҳзалар

Жамоамиз Жиззахга 3 та олтин ва 4 та бронза медали билан қайтди.

Бухоро шаҳрида ўтказилган "Универсиада - 2013" спорт мусобақалари Ўзбекистон ёшлари ҳаётидаги улкан воқеага айланди. У барча спорт ихлосмандлари, бугун халқимизнинг диққат-эътиборида бўлди. Ўз олдида улкан мақсадларни кўйган талаба-спортчилар учун азму шижоат, қатъият ва маҳорат майдони вазифини ўтади.

Қайд этиш жоизки, "Кичик олимпиада" номини олган мазкур нуфузли мусобақа навқирон авлод вакилларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол воқеа этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларни гуруҳ ва ифтихор туйғуси билан яшашга даъват қилмоқда, она Ватанга меҳр-муҳаббатларини кучайтирмоқда.

Кўҳна ва боқий Бухоро замида ўтказилган бу гали спорт мусобақаларида ана шундай руҳ ҳукмрон бўлди.

"Универсиада - 2013" дастури доирасидаги қизгин баҳслар, мurosасиз курашлар бунинг яқол исботидир. Юртбошимиз табригида алоҳида қайд этилганидек, Универсиада ҳаракати мамлакатимизда эзгу анъаналарни бошлаб берди, бу мусобақаларда чиникқан ёшларимиз Ўзбекистон шухратини дунёга танитишмоқда. Воқеа етаётган ўғил-қизларга ўрнак, намуна бўлишга. Қолаверса, Универсиададан айнан Обод гуруҳи йилида ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, инсон камолотида муҳим ўрин тутадиган жисмоний тарбия ҳар бир оила, хонадонга кириб бориши мақсадга мувофиқ.


Универсиада мусобақалари республика финал босқичида иштирок этишнинг ўзи ҳар бир талаба-спортчи учун юксак орау ва олий мақсаддир. Чунинчи, саралаш босқичларида қарийб 138 минг нафар талаба қатнашиб, шундан 1020 нафар йигит-қиз финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.



Штукан Роман Витальевич (2 та олтин)




Жумадурдиев Баҳодир Холматович (олтин)



Хўджамов Шердор Диёр ўғли (бронза)




Вахитова Зухра Юлаевна (бронза)



Абдулҳакимов Хуршид Шербекович (бронза)



Каримов Ҳасан Комил ўғли (бронза)



Шунингдек, "Универсиада - 2013" дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар - танқили спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, азим Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига сайёҳатлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданий маркази, ундаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи мусобақа иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Баҳриддин БҮРИБОЕВ,
"Зиё чашмаси" учун
Бухородан тайёрлади

Талабалар баҳори – 2013

Катта таассуротлар билан

2008 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Талабалар баҳори" фестивали кўҳна Хоразмнинг Урганч шаҳрида 27-31 май кунлари бўлиб ўтди. Илмий-амалий учрашувлар, иқтидорлилар танлови, кувнок дақиқалар, театр томошалари, маҳорат дарслари каби қатор йўналишлар бўйича ёшлар куч ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Институт маънавий-маърифий ишлар проректори А.Тангиров раҳбарлигида бир гуруҳ иқтидорли талабаларимиз ҳам ушбу унутилмас лаҳзалар гувоҳи бўлдилар. Бу ҳақда институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Акмал Хўжаназаров шундай дейди: ушбу фестивалда тўрт минг нафарга яқин талаба-ёшлар иштирок этди. Демак, фестивалнинг кўлами ҳам, аҳамияти ҳам шунга муносиб. "Талабалар баҳори" фестивалида "Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш" мавзуда талабалар танлови, "Ниҳол" талабалар театр томошалари, "Заковат" интеллектуал телеўйини, "Кувноклар ва зукколар", "Эко" акцияси, маҳорат дарслари, олий таълим муассасалари кўргазмаси, югуриш марафони ўтказилди. "Талабалар баҳори" фестивали дастурига киритилган Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор

экологик муҳитни яратиш" мавзудаги талабалар илмий-амалий анжумани ҳамда иқтидорли талабалар танлови илк бор амалга оширилди. Ушбу танловда тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши 3-босқич



талабаси Баҳром Тоғаев ғолиб бўлди ва мукофотланди.

"Талабар баҳори" ана шундай рангбаранг тадбирларга бой бўлиб, шигирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Суратда: "Талабалар баҳори-2013" тадбиридан бир кўриниш.
К. НУЪМОНОВА,
"Зиё чашмаси" муҳбири

Оила саломатлиги – юрт келажаги

Институтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 18 майдаги № 1-Фсонли "Оила саломатлиги" акцияси доирасида "Саломатлик дарслари" ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ушбу фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан институт ректорининг ички буйруғи ижрога киритилди.

2013 йил 20 май куни Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми жамгармаси томонидан тайёрланган "Оила саломатлиги" акциясининг флайерлари (4800 донга ўзбекча, 1200 донга русча) ҳамда видеороликлар (электрон шаклда) олиб келинди ва барча талабаларга тарқатилди.

2013 йил 21 май куни соат 11.00 да "Оила саломатлиги" акциясига тайёргарлик ишларига бағишланган видео-семинарда институт профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Институтда жорий йилнинг 24 май куни "Оила саломатлиги" акцияси доирасида "Саломатлик дарслари"ни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, дарсларни ўтиш жадвали тузилди. 24 май куни "Оила саломатлиги" акция-

си доирасида "Саломатлик дарслари" ўтказилди. Режа асосида белгиланган хоналар проектор, компьютер жамланмаси, видеоролик электрон шакли ва бошқа кўргазмалар воситалар билан жиҳозланди. Институт Ибн Сино саломатлик маркази, Тиббий билим асослари фан ўқитувчилари ва Жиззах шаҳридаги 1-сонли поликлиника шифокорлари жалб қилинди. Дарслар институт Маданият саройида мутахассислар томонидан ўтилди, фотоальбомлар ва видеороликлар намойиш этилди.

Ўтказилган тадбирларда иқтидорли талабаларнинг чиқишлари, савол-жавоблар, мунозаралар ташкил этилди.



Институт ёзги спорт майдончасида Педагогика-психология факультети жамоаси томонидан уюштирилган "ЭНГ СОЧИ УЗУН ҚИЗ" ва "АТЛАС САЙЛИ" кўрик-танловлари бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов

2. Энг майда ўрилган соч.
3. Энг чиройли турмакланган соч (замонавий)
4. Талаба соч турмаги.
Ушбу номинациялар бўйича голибларни аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати аниқлаб олинди. Голиблар аниқлангунга қадар талабалар томонидан тайёрланган мусиқий



ОНА ДУОСИ

(Ҳикоя)

Дам олиш куни Хулкарнинг уйқуси яхши бўлмади, эрта уйғонди. Бугун якшанба-ку, ишга бормайман, бироз ётайин, деди ўзича. Кўзини юмди уйқу келмади. Уни ҳаёллар олиб кетди ҳар томонга. Қийналиб бўлсада мана ўқидим, ишга кирдим. Энди эса раҳбарман. Одамлар орасида обрўим бор. Шу даражага етишимда кимлардир кўмаклашди. Шу орада муштипар онасини эслади. Бечора онам, отам йўқлигини ҳам билдирмади. Эсимда, бир куни бир синфдошим билан қаттиқ уришиб қолганман. Сен ёмон киз бўлганин учун даданг йўқ, деганди. Бу сўзлардан уйга йиғлаб келганман. Онамга менинг дадам қани, топиб беринг, деб жанжал қилгандим. Уша пайти онажоним нима дейшини билмай, даданг узоқда ким нима деса дейверсин, сен яхши, ақли киз бўлиб аёло бахларга ўқисанг, даданг албатта келади, деган. Уша сўзларга ишонганман, яхши ўқирдим ва дадам келишини кутардим.

Кунлар ва ойлари қувалашиб ўтарди. Мактабни олтин медал билан битирдим. Уша йили университетга кирдим. Ўқишга кирганимни эшитганда энг кўп сўянган онам эди. Хулкар қишлоқ қизи эмасми, соддагина, камтар, беғубор эди. Қишлоқ шаҳарга узоқ бўлгани учун онда-сонда келар эди. Келганда ҳам тўлиб тошиб кетарди. Онаси: Хулкар қизим, бор йиққаним сеники, сен олийгоҳни битириб катта-катта лавозимда ишларсан, ўша пайти мен бахтиёр бўламан деди. Майли ўша пайти эслаб қўймасанг ҳам деб кулиб қўярди. Исмингни ҳам раҳматли отанг билан бирга Хулкар деб қўйганмиз. Хулкар юлдузидек порлаб турсин деб. Худо хоҳласа мана шундай кунлар албатта келади.

Хулкар олийгоҳни тамомлаб иш юрита бошлади. Кўп оқуқорани таниди. Ким дўст, ким душман эканлигини ажрата олди. Хозир у бир катта қорхона раҳбар. Қўлида қанча-қанча одамлар ишлайди. Худога шукроналар билдирди.

Хулкар кўзини очдию, ҳаёллардан четланди. Унга бир фикр келди. Ўша туғилган қишлоқига, Жиззах воҳасига бораман деб йўлга отланди. Мехрибон онажоним, мени шу даражага етказган дуоғўйим, муштипаримни кўриб келаман!

Узоқ йўлдан келган қизини кўрган она севиноб кутиб олди. Хулкар эса: онажон сизни соғиндим, дуоларингизни олгани келдим, - деди юзларига ажин тушган онасини ўпиб.

Сожида АБДУЛҲАКИМОВА, Бошланғич таълим ва СТИ йўналиши талабаси

Педагогика-психология факультети декани, профессор Х. Мелиев сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни табриклади. Факультетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари Г. Худойназаров

Сиз янада гўзал бўлдингиз...



дастур томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Шундан сўнг голиблар эълон қилинди.

1. Миллий талқиндаги атлас ёки адрес либос - Аҳмадова Азиза - (Педагогика-психология йўналиши 3- босқич);
2. Замонавий талқиндаги атлас ёки адрес либос - Худойбердиева Дилрабо (Дефектология йўналиши 2- босқич);
3. Миллий келинлик либослари атлас ёки адрес - Ботирова Марҳабо (Мактабгача таълим йўналиши 1-босқич)
4. Талаба-қизларнинг кундалик формаси - Нормуродова Махлиё (Мактабгача таълим йўналиши 2-босқич)
5. Ота -бола, Она-қиз бола миллий либосда - Акрамова Гўзал, Бобобекова Зулайхо (Мактабгача таълим)

К. НУЪМОНОВА "Зиё чашмаси" муҳбири

мусобақа шартлари билан таништирди.

Тадбирга қатнашиш учун куйидаги шартлар қўйилди:

Атлас сайли иштирокчилари учун куйидаги номинациялар белгиланди:

1. Миллий талқиндаги атлас ёки адрес либос;
2. Замонавий талқиндаги

далик формаси. (профессионал дизайнерлар билан ҳамкорлик қилиш мумкин);
5. Ота -бола, Она-қиз бола миллий либосда

Сочи узун қизлар куйидаги номинациялар бўйича аниқланди:

1. Энг узун соч;

Маънавият бўстони

Тарбия ва маънавият
Доим биргадур албат
Тарқилсалар ҳаракат,
Тайдо бўлар мамлакат.

Ижодкор талабалар минбари

Ҳаёт мазмуни

Ифтор таралди қиё қаралди,
Олам яралди қошқот аро.

Айни шу чоғда яқин йироқда,
Қолдилар доғда бўлиб дил аро.

Оламга чирой бўлди тўлтин Ой,
Бермишидир ҳудой қуёш ва ҳаво.

Қир-у тоғлардан, ўрмон боғлардан,
Тўғаллик деган таралмиши наво...

Бу куйга мафтун, оллоҳ ҳам мафтун,
Яратмиши бир кун ки Одам Ато.

- Қил, - деди, обод ва ўзни эт шод,
Айлагил сабот, қилмагин хато...

Бундан шод Одам бошлади қадам,
Уйлади шу дам "Ушбўдур сафо..."

Вақт ўтган сайин, зерикши тайин-
Тилиб билмайин бошлади -Ай!

Ёшлар бу зам, зоҳалик ситам,
Фаришталар ҳам қилсалар Ҳаё...

Ягона бўлсам, Ой каби тўлсам,
Яшасам-ўлсам, - недур муддоо?

Шундай сўйлади, ҳаққа бўйлади,
Худо ўйлади "ўринли даъво".

Уйлади чунон: "давоси жувон-
Фариштасимон бир Молю Ҳаво..."

... Етиб тилакка учди фалакка,
Ато, малакка бердики фаро...

Атоки мафтун, худодан малакун,
Ҳаётини мазмун-севидан маъно.

Шундан Одамшод яралди бот-бот,
Ёлғизлик унга ёт ва ақил расо.

Бор баҳодирлар, нотиқ шоирлар...
Шунга доирлар айла ада...

Шун саодатга, ки садоқатга,
Олий одатга қилмишар вафо.

Ҳаёт толига, севи жолмага,
Аёл нолига айтишар наво.

Абдуманнон ҲАСАНОВ, Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши

Юракдаги сўз

Унда бордир бир миллат,
Барпо этган жамият.
Унда порлар маданият,
Чегиз, асос-машаққат.

қодирий, Авлокий, Фитрат,
Улар чеккандир захиат.
Тарғиб этган маърифат,
Бунёд этган ҳур давлат.

Сабабдир минг азият,
Уларга минг бир раҳмат.
Ҳаракатда баракат,
Сабаб бўлур кўп меҳнат.

Энди эса кўп лаззат,
Ёшлардадир аксарият.
Дуо ол, яхши ният,
қўлингда икониат.

Маҳмуда АБИДОВА, Инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси

Юз йил яшашга ҳам кўнгли тўлмаса,
Бундай тирикликка қилмайман хавас.
Оллоҳ берган ўша сўнги дамгача,
Ҳам севиб, севилиб нафас олсам бас.

Доим ёнма-ёндир ҳаёт ва ўлим,
Уир ўтгувчидир лаҳзалик бир пас.
Яшаш учун аввало беғубор қалбда,
Мехр-у вафо, иймон, сабр бўлса бас.

Қалбни пок тутсангиз ушбу ҳаётда,
Босган қадамларда ҳеч губор қолмас.
Қанча яшайлик ушбу дунёда,
Ўзни анласак бас, инсон бўлсак бас.

Муниса САТТОВА, Дефектология йўналиши талабаси

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00 Навбатчи: К. Нуъмонова

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институтини.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili:
Jizzax shahri, 130100.
Sayiljoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № . Shaki-A-3.

Зиё чашмаси

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини